





12 ноябрь -Тиббиёт ходимлари куни















газета 1930 йил 12 майдан чика бошлаган • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 11 ноябрь, шанба • 45(3679)-сон



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ, ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ Б. МАТЛЮБОВНИНГ ТИББИЁТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИГА

# BAMPAM TABPUTU

Ички ишлар вазирлиги тизимларида хизмат қилаётган барча соғлиқни сақлаш ходимларини 12 ноябрь тиббиёт ходимларининг касб байрами куни билан самимий табриклайман.

Мамлакатимизда

жамоат тартибини сақлаш, тинчликосойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдек масъулиятли ва ша-

рафли вазифаларни бажараётган ички ишлар идоралари ходимларининг саломатлигини мухофаза килиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва самарали даволашдек эзгу ишларингизда улкан за-

фарлар ёр бўлсин.

Ушбу байрам муносабати билан сизларга мустахкам соглик, бахт-саодат, узок умр тилайман. Оилангиздан тинчлик-тотувлик ва кут-барака ари-

# BATABILA

# муносиб фарзандлар



ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш Олий курслари битирувчибини хизматларга тантанали равишда ларини хизматларга тантанали равишда кузатиш анбанага айланган. Якинда илм кузатиш анбанага айланган. Якинда илм даргохи рахбарияти, шахсий таркиби, тиндаргохи рахбарияти, шахсий таркиби, тингловчилар, битирувчиларнинг ота-оналари ва гловчилар навбатдаги кузатиш маросимимехмонлар навбатдаги кузатиш маросимига йигилдилар. Барча хаяжонда, кўзларда кувонч. Айникса, битирувчиларнинг калбида курур, фахрланиш туйгуси.

ИИВ Академияси бошлиги, генерал-майор Т. Муллажонов тантанани очик деб эълон килиб, битирувчиларни кизгин кутлади. Шундан сўнг битирувчиларга Академия бошлигининг буйругига асосан кичик сержант унвони хамда

Устозлардан билим олиб, амалий кўникмалар орттириб, юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашта шай турган сержантларни Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генераллейтенант Баходир Матлюбов табриклади. Жумладан, вазир уларга ишонч билдириб шундай деди:

Олдингизда жуда мураккаб ва масъулиятли вазифа-мустакил Ватанимиз худудларида тинчлик, осойишталик, фукароларнинг фаровон хаёти ва самарали мехнат қилишини таъминлаш, жиноятчилик ва хукукбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш олиб бориш вазифаси турибди. Бу шарафли ишни бажариш учун бор куч, гайрат ва билимингизни аямай, Президентимиз ва халкимизга берган қасамёдингизга содик колишингизга ишонаман. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: «Узбек халқи хеч қачон, хеч кимга буйсункимга қарам бўлмайди. Чунки бунинг тасдиги бели бакувват ота-боболаримиз шону шарафининг давомчилари, мана мен деганлар билан ҳам беллашувга қодир, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз бор».

Шундан сўнг Академия профессор-ўкитувчилари номидан сўзга чиккан подполковник Абдурахмон Пардиев сержантларга амалий тилаклар билдирди. Битирувчи курсантлар номи-

дан сўз олган кичик сержант Сохибжон Бобожонов устозларга рахмат айтиб, ўзларига билдирилган ишончни оклашга ваъда берди. Битирувчи кичик сержант Мухаммадбобур Мадаминжонзоданинг онаси Муножат Махмудалиева хам миннатдорчилик билдирди. Ушбу ҳаяжонли дамларда, айникса, ота-оналарнинг кувончи чексиз бўлди. Негаки, улар она-Ватанига муносиб ўглонларни тарбиялаб вояга етказишди.

бор куч, гайрат ва билимингизни аямай, Президентимиз ва халқимизга каторида курганимдан, берган қасамёдингизга содиқ қолишингизга дошим булаётганидан ишонаман. Зеро, Юртбонимиз таъкидлаганларидек: «Узбек халқи хеч полковник Абдужаббор қачон, хеч кимга буйсунмаган ва хеч қачон, хеч кимга қарам булмайди. Чунки бунинг тасдиғи ишундай изхор этди:

 Ота-она учун фарзанди камолини кўришдан ортик бахт бўлмаса керак. Ўглим Шухрат шарафли касбни танлаб, юрт осойишталиги йўлида хизматга бел боглаганидан хурсандман.

Мусиқа садолари остида шахдам қадам ташлаб бораёттан сержантлардаги шижоат, қатылятни кўриб, юртимиз осойишталиги ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор амин бўлдик.

Умида БОЛЛИЕВА.



### ТАЙИНЛАНДИЛАР:

Андижон вилояти ИИБ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини саклаш бошкармаси бошлиги, подполковник Алишер Козихонович ХАШИМОВ.

Алишер Козихонович Хашимов 1958 йил 5 июнда Андижон вилояти Хўжаобод туманида тугилган. Маълумоти олий, Андижон Давлат педагогика институти, ИИВ Академияси ички ишлар идораларига рахбар кадрлар тайёрлаш факультетини тамомлаган.



Ички ишлар идораларида хизматни 1983 йилда Транспорт ИИБ Андижон тармок ИИБда инспектор вазифасида бошлаган. 1986—1990 йилларда Транспорт ИИБ ЖТСГ катта инспектори, 1990—1992 йилларда Избоскан тумани ИИБ навбатчилик кисми катта инспектор-навбатчиси, 1992—1998 йилларда Андижон вилояти ИИБ ЖТСБ инспектори, катта инспектор, бошлик ўринбосари вазифаларида ишлаган. 2000—2002 йилларда Андижон вилояти Жалолкудук тумани ИИБ бошлиги, 2002—2005 йилларда Андижон вилояти ИИБ ХЧК ва ФРБ бошлиги ўринбосари, 2005—2006 йилларда Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиги ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Сурхондарё вилояти ИИБ Шахсий таркиб буйича махсус инспекцияси бошлиги, подполковник Абдукаххор Амонович ШАРО-ПОВ.

Абдуқаххор Амонович Шаропов 1967 йил 5 апрелда Сурхондарё вилояти Бойсун туманида тугилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1988 йилда Сурхондарё вилояти Термиз шахар ИИБ



ППХ милиционери вазифасидан бошлаган. 1992-1998 йилларда Термиз шахар ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, катта терговчи, бўлинма бошлиги ўринбосари, 1998—2002 йилларда Сурхондарё вилоят ИИБ тергов бўлими терговчиси, катта терговчи, Термиз шахар ИИБ тергов бўлинмаси бошлиги вазифаларида ишлаган. 2004—2006 йилларда Сурхондарё вилоят ИИБ тергов бошкармаси бўлим бошлиги ўринбосари, Денов тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиги лавозимларида ишлаган.

Сурхондарё вилояти Термиз шахар ИИБ боништи, подполковник Рустам Турсунович ТАГАЕВ.

Рустам Турсунович Тагаев 1974 йил 24 майда Қарши шахрида туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1995 йилда республика ИИВ Жиноят қидирув Бош бошқармасида тезкор вакил вазифасида



бошлаган. 1995—2001 йилларда республика ИИВ ЖҚББ тезкор вакили, катта тезкор вакил, 2001—2002 йилларда республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ катта тезкор вакили, 2002—2005 йилларда Сурхондарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг ўринбосари, 2005—2006 йилларда Сурхондарё вилояти Термиз тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида ишлаган.

Сурхондарё вилояти Термиз тумани ИИБ бошлиги, подполковник Саидмурод Бекмирзаевич Пўлатов.

Саидмурод Бекмирзаевич Пўлатов 1958 йил 17 мартда Сурхондарё вилояти Шеробод туманида тугилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган, Ички ишлар идораларида хизматни 1988 йил Сурхондарё вилояти Шеробод тумани ИИБ участка инспектори вазифасида бош-



лаган. 1990—1995 йилларда Шеробод тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, 1995—1998 йилларда республика ИИВ ШТБИХ катта инспектори вазифасида ишлаган. 1998—2005 йилларда Сурхондарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиги лавозимида ишлаган.


Гохида ўтган умрдаги айрим вокеалар эсга тушса хира хотиралар ёришиб кетади. Ўша кунлар бир-бир кўз олдимдан ўтади. Генерал-майор Йўлдош Бобожонов таваллудига 100 йил тўлиши **хақида эшитганимда у киши билан биринчи учра**шувим ёдимга тушди.

... Утган асрнинг эллигинчи йиллар ўрталари эди. Мен Андижон вилояти ИИБ жиноят қидирув хизматида тезкор вакил эдим. Андижон шахрида содир этилган ўгриликни фош этиб, гумондорларни қўлга олгандик. Уларни тутиш осон бўлмаган. Бошқарма бошлиғи А. Юсупбеков курсатмаси бўйича айнан жиноят устида қўлга олишни режалаштиргандик. Озиқ-овқат омборининг эшигини бузиб, ун, шакар, ёг кабиларни ўгирлаб кетаётганларни ушлаб, хибсхонага топширгунимизга қадар ярим тун бўлди. Эртасига бошқармага борсам, Тошкентдан вазир келибди деган гапни эшитдим. Тушга яқин йиғилиш ўтказилди. Республика Ички ишлар вазири Иўлдош Бобожонов шахсий таркиб олдида сўзга чиқиб, долзарб вазифалар хакида гапирди. Кейин ўтган кечаси ўгрилик жиноятини очганларга алохида тўхталиб, совгалар топширди. Вазир қулидан совға олғанлар қаторида мен ҳам

бор эдим. Оддий бир ходимнинг генерал кулидан совга олиши шунчаки вокеа бўлмаган, албатта. Кўнгли очик; мехрибон киши эканлиги чехрасидан билиниб турарди.

Иўлдош Бобожонов асли хоразмлик

бўлиб, илмли бўлгани боис йигитлик давридаёқ давлат, хукумат ишларида фаолият кўрсата бошлайди. 1939 йилда ички ишлар хизматини мустаҳкамлаш учун Ички ишлар халқ комиссарлигига ўтказилади. Қарийб



йигирма йил шу сохада хизмат қилади.

У 1940 йилда Узбекистон Республикаси Ички ишлар халқ комиссари этиб тайинланади. Уруш

хизматга жалб этишга харакат қиларди. Офицерлар, олий маълумотли мутахассисларни купайтириш мақсадида иқтидорли ходимлар Россиядаги

олий милиция макта-

би, хукуқ олий ўкув

юртларига юборилар-

ди. Тошкент, Самар-

қанд шаҳарларидаги

университет, инсти-

бўлимларига ўқишга

жойлаштириларди. Бу

ишларда Й. Бобожо-

нов бош бўларди,

албатта.

тутларнинг сиртки

Яхшидан ном қолади, деб бежиз айтишмайди. Халқ, Ватан учун хизмат қилганлар ўзлари тарбиялаган шогирдларни хам эл корига ярайдиган кишилар бўлишига ундайди. И. Бобожонов куплаб шогирдларга устозлик қилган. Айнан И. Бобожоновдан кейин Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазири бўлиб ишлаган мархум генерал-майор Тожиддин ака Жалилов уни устоз дея хурмат қиларди, доим илиқ сўзлар билан ёдга оларди. Бу фидойи инсоннинг 100 йиллиги нишонланаёттан айни кунларда шогирдлари, унинг мехридан бахраманд бўлганлар илиқ хотиралар билан эслашяпти.

Юртда тинчлик, осойишталикни сақлаш ишига хисса қушганлар қаторида Й. Бобожоновнинг номи алохида тилга олинади. Зеро, унинг эл олдидаги хизматлари бунга лойик, албатта.

**F. РАХИМОВ,** 

истеъфодаги генерал-майор. (Суратлар Й. Бобожоновнинг оилавий архивидан олинди.)



йиллари, айниқса, ундан кейинги тикланиш даврида бу сохада хизмат қилиш осон бўлмаган. Кўплаб ички ишлар ходимлари фронтдан қайтмади. Шундоқ ҳам ҳамма тармокда кадрлар масаласи қийин булиб турганда, ички ишлар сафини тўлдириш осон эмасди. Бир киши икки-уч ходимнинг ишини бажаришига тўгри келарди. И. Бобожонов вазир сифатида имкони борича махаллий миллат вакилларидан

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосарининг «Узбекистон Республикаси Ички ишлар собик вазири, генерал-майор мархум Иўлдош Бобожоновнинг хотирасига багишланган ИИВ Марказий аппарати Бош бошқарма, бошқарма ходимлари ўртасида волейбол турнири ўтказиш тўгрисида» ги фармойишига биноан 2006 йил 12-14 ноябрь кунлари Тошкент шахар ИИББ жанговар тайёргарлик маркази спорт залида мархум генералмайор И. Бобожонов хотирасига багишлаб волейбол мусобақаси ўтказилади. Турнир натижалари билан газетанинг кейинги сонида таништирамиз.

Утган умр давомида жуда кўп одамлар билан учрашасан, бирга ишлайсан, ўзаро муносабатда бўласан. Бу хаёт қонуни. Бироқ уларнинг барчаси қалбингдан ўзига хос тарзда жой олади. Кимдандир таниш-билиш хақида эшитганда эса юрагингнинг аллақаери жиз этиб кетади, хотиралар ёдга тушади. Мархум генералмайор Мурод Шералиевнинг 90 йиллиги нишонланаётганини эшитиб, бу киши хакида бир-икки оғиз билганларимни ёзишга жазм этдим.

Бу фидойи инсоннинг бутун умри хукуқ-тартибот идораларида ўтди десам, хато бўлмас. Ешгина йигит даврида у Самарқандга вилоят ички ишлар бошқармасига ишга юборилди. Иккинчи жаҳон уруши бошлангунча шу вилоятнинг бир қатор туманларининг ички ишлар хизматида бошлиқ ўринбосари, бошлиқ лавозимларида ишлади. Уруш йилларида Урта Осиё Харбий округининг отлик дивизиясида бўлим бошлиги, республика ИИХК бошқармасида бошлиқ ўринбосари вазифасида хизмат қилади.

Хуқуқ илмининг анча иқти-

# FANPATAN, WHAKOATAN HHEOH BAK дорли мутахассиси, шу

билан бирга ички ишлар хизматида анча пишиб, тажриба орттирган М. Шералиев 1945 йилда Қорақалпогистон Автоном Республикаси (у пайтда шундай деб юритиларди) Ички ишлар халқ комиссарлигининг вазири этиб тайинланади. Орадан икки йил ўтиб эса Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари бўлади. Кейин Адлия вазири этиб тайинланади.

Мурод Шералиев 1956 йил сентябрь ойида республика прокурори этиб тайинланганда мен ўша ерда хизмат қилардим. У киши республиканинг махаллий миллат вакилларидан биринчи прокурор бўлганди. Уша кунларда мен Тошкент

вино заводи рахбарлари устидан қўзғатилган жиноий ишни тергов қилаётган эдим. Ушанда унинг рахбарлигида кўп жиноятларни очиш, аниклаш юзасидан тергов ишлари олиб боргандим. Хар гал бирор ишни тугатганимдан кейин М. Шералиев хузурига чакириб, рахмат айтиб, кунглимни кўтариб, тергов ишимга ўз бахосини берарди.

Мурод Шералиев 1958 йилда Тошкент вилояти ИИБ бошлиги этиб тайинланди. Пойтахт вилояти нафакат республикада, собик Иттифокда хам ўзига хос нуфузга эга бўлганди. Чирчиқ, Бекобод, Олмалик, Ангрен, Янгийўл каби саноат шахарларида юздан ортик миллат вакиллари яшарди. Яна бир томони,

пойтахтликларнинг дам олиш учун хордик масканлари вилоят худудида жойлашган. Бир эмас учта республика билан чегарадош вилоятда вазиятни барқарорлаштириб туришда ички ишлар ходимларининг ўрни алохида ахамиятга эга эди. Мурод Шералиев 13 йил давомида ана шу катта вилоятнинг осойишталигига масъул бўлди. Вилоят ички ишлар идораларининг фаолиятидаги ютуклар кўп марта намуна қилиб кўрсатилган.

Унинг ўзи етук хукукшунос бўлгани учун ҳам ходимларнинг хукукий билимини мустахкамлашта эътибор берарди. Прокуратура, адлия хизматларида ишлаб, орттирган тажрибаларини ички ишларда ҳам уйғунлаштириб олиб боргани боис ходимлардан жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш билан бирга фукароларнинг ҳақхукукини химоя килишта хам



алохида ёндашишни талаб қиларди.

М. Шералиев хакида яна кўп илиқ ғаплар айтиш мумкин. Инсон ўтиб кетгандан кейин уни эслаб юришлари катта шараф. Бутун иш фаолиятини хукуктартиботни химоя килувчи идоралар ишига бағишлаган, ғайратли, шижоатли бу инсон ана шундай шарафга лойиқ бўлди.

> Неъмстжон ИБРАГИМОВ, истеъфодаги генерал-майор.

#### МАЪРИФАТ ДАРСИ

CEH EHMACAHI...

Бирор бир долзарб мавзу, масала кўтарилса, хаммамиз уни қўллаб-қувватлаймиз, ўз муносабатимизни билдирамизу, кейинрок масаланинг долзарблигини унутамиз. Узокка бормайлик, Юртбошимиз «Узингни, ўз уйингни ўзинг асра!» шиорини ўртага ташлаганларида бутун мамлакатимиз бўйлаб огохликка бағишланган турли йиғинлар, учрашувлар бўлиб ўтди. Қатор ишлар хам амалга оширилди.

Бирок гохида айрим кўп қаватли уйларнинг ертўлалари, чордоклари очик, каровсиз қолаётганини кўрсак хам ўзимизни кўрмасликка оламиз. Одамлар билан гавжум бозорнинг ўртасида кимдир аллақандай қутини қолдириб кетса хам, бу хакда ўша атрофдаги ички ишлар ходимига хабар беришни хаёлимизга келтирмаймиз. Махалламизда бегона киши тўрт томонга аланглаб юрган бўлса, ақалли «Биродар, сизга ким керак эди? Кимнинг хонадонини излаяпсиз?» деб сўрашни хаёлимизга хам келтирмаймиз. Шу ўринда каётий бир мисол келтирай. Пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларнинг бирида куппа-кундуз куни ўгрилик юз беради. Кейинчалик маълум бўлишича, ўгрилар хонадондан нарсаларни олиб чикиб машинага ортишаётган пайти йўлак олдидаги ўриндикларда 4-5 қария ўзаро гаплашиб ўтиришган экан. Улар «Қайси қушнимиз кўчаяпти экан? Юк ортувчилар орасида унинг ўзи кўринмайди-ку», - деб қизиқиб хам кўришмаган.

Кўчамизда истикомат килувчи бир ўсмир гиёхванд эканини ёки ёт окимга кириб кетганини биламиз. Аммо уни қалтис йўлдан қайтаришга харакат хам қилиб кўрмаймиз. «Менга нима?» дея виждонимизни тинчлантиришга уринамиз. Вахоланки, ана шу гиёхванд бир кун ўзимизнинг хам фарзандимизни гиёхвандлик домига илинтириши ёки хизбчи ўзига эргаштириши мумкин-ку. Қолаверса, ўзгалар такдирига шунчалар бефаркмизми? Аждодларимиздан колган «Отанг - махалла; онанг - махалла», «Бир болага етти махалла ота-она» деган нақллар бугунги кунга келиб шунчаки оддий гапга айланиб колдими?

Тўгрисини айтганда, бизга куп уринларда панд бериб қуяётган яна бир камчилигимиз ана шу бефарклик, локайдликдир. Бир донишманд «Душманингдан қўрқма, у нари борса сени ўлдиришта харакат қилади. Дўстингдан куркма, у нари борса сенга хиёнат қилади. Аммо лоқайдлардан қўрқ. Улардан ҳар қандай ишни кутиш мумкин» деган экан. Хақиқатан хам хар биримиз аввало ичимиздаги бефарклик, локайдлик каби салбий жихатларимизни енгишимиз керак. Қолаверса, бошкаларнинг гунох ишлари, бузгунчилигини кўриб-билиб, уларни бу йўлдан қайтаришга харакат қилмаслик хам гунох-

Эхтимол, хар қандай бефарқликни кечирищ мумкиндир. Аммо гап юртнинг тинчликосойишталиги хакида кетган-

да, кечириб бўлармикан? Балки, тинчлик-осойишталикка, аввало, хукукни мухофаза қилиш идоралари ходимлари масъул, дерсиз? Бу тўгри. Лекин ҳар бир кўчага, ҳар бир куп қаватли уй йулаги олдига милиционер қуйиш керак эмас-ку. Халкнинг, кенг жамоатчиликнинг сидкидилдан кўрсатадиган кўмагисиз хамкорлигисиз кўзланган натижага эришиш қийин. Хар бир фукаро ўзининг нафакат оиласи, махалласи, балки Ватани такдирига дахлдорлигини хис этсагина, бундай хамкорликка эхтиёж сезади. Айникса, эркак киши бу масъулиятни чукур хис этмоги лозим.

Динни никоб килиб, бузгунчиликка қўл ураётганларнинг асл максади бошка. **Гоявий** рахнамоларию молиявий таъминотчилари қулида қўгирчоқ бўлаётганликларини уларнинг купчилиги билмаса хам керак. Вахоланки, бир пайтлар диний илмларнинг ўчоги бизнинг юртимиз бўлмаганми? Бухорои шариф ислом динининг куввати дея донг таратмаганми? Буюк хадисшунослар ал Бухорий, ат Термизий фикх илмининг етук билимдони Маргиноний авлодларига динимизнинг мазмунмохиятини тушунтиришдан хар хил ақидалар пешволари андиша қилсалар бўлармиди. Колаверса, улар ислом таълимотида бузгунчилик, одамлар орасига нифок солиш, фиркаларга бўлиниш қораланишини билишмайдими?

Еки тасаввуф таълимотичиларидан бўлган Абдухолиқ **Гиждувоний**, Ахмад Яссавий, Баховуддин Нақшбанд, Нажиддин Кубро ўгитларидан бехабарми? Бундай буюк зотларнинг чинакам авлодлари ким нима деса эргашиб кетавермайди. Уларнинг қалбида чексиз гурур туйгуси булади.

Халқимизда «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кўтарилади» деган нақл бор. Адоват, низо оловини ёкиш осон. Аммо уни ўчириш мушкул иш. Дунёнинг қатор мамлакатларида бир пайтлар бошланган ўзаро уруш-жанжаллар хали-хануз давом этаяпти. Бунинг оқибатида биринчи галда тинч ахоли, оддий одамлар жабр кўришяпти. Юрт осойишталигини, ахиллигимизни кўз қорачигидек асраш хар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунинг учун эса огох ва яна огох бўлишимиз керак. Шу халқ, шу Ватан манфаати, тинчлиги, баркарорлиги йўлида сиз ёнмасангиз, мен ёнмасам, ким ёнади? Бу саволни хар биримиз ўз-ўзимизга беришимиз лозим. Зеро, Ватанни севмок иймондандир.

Азиз ИРНАЗАРОВ.

Хар бир инсонни кийими ва кийинишига қараб, унинг кимлигини билиш мумкин. Барча миллатлар ўз миллий либосларига эга. Гарчи, кейинги пайтда ер юзида европача кийимлар урф бўлаётган бўлса-да, бироқ ўз миллий анъаналарига содиқ қолганлар миллий либосларга замонавий тус бериб, уни қадрлашади.

Инсон либосни шунчаки танасини ёпиб туриш, совук, иссик, ёмгир, кордан асраш учун киймайди, албатта. Кийим унга кўрк бағишлайди. Гохида жамоат жойларида худди ички кийим каби ҳарир кўйлакдаги қизларга кўзингиз тушади. Уйланган, фарзандлари бор йигитлар эса ўсмирларга русум бўлган майка-шортикда юрганини кўрамиз. Бу кийимлар уларга зеб бермайди. Гарчи улар ўзларини маданиятли хисобласалар-да, аслида бу хол дидсизликдан бошка нарса эмас. Хар кийимнинг ўз кийиш жойи бор.

Кийиниш хам инсон одобининг, тарбиясининг бир кўриниши хисобланади. Инсон ёшига, жинсига қараб кийиниши керак. Албатта, кимматбахо, бозорнинг олди моли бўлиши шарт эмас. Хушбичим, қоматига ярашган, бежирим тикилган, тоза бўлиши максадга мувофик.

Шу ўринда ички ишлар ходимларининг кийиниш одоби ҳақида тўхталмоқчимиз. Узбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг «Касб одобномаси»да ходим «...хизмат кийимларини ба-



му-кўст бўлиб юради», дейилган.

Афсуски, гохида айрим ходимларда бунинг аксини ўтамиз. Афсуски, хизмат кўрамиз. Айникса, республиканинг чекка худудлари, қишлоқларида соқоли ўсган, хизмат кийими дазмолланмаган, гижим холда бўлган ходимлар учраб қолади. Бу кўпчиликнинг ғашини келтиради, албатта. Хизмат кийимини кийиб, юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлашга хисса қушиш орзусида юрган йигитлар буни кўриб фикри қайси томонга ўзгаради?

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Хизмат кийимини кийиб юриш тартибларига риоя қилиш тўгрисида»ги буйругида ходимларнинг хизмат кийимларини кийиб юриш тартиблари белгилаб қўйилган. Унга кўра хар бир ходим мавсумга қараб, белгиланган тартибда хизмат кийимида юриши лозим. Айрим хизматлардан ташқари барча шаходатланган ходимлар иш вақтида хизмат кийимида бўлишлари шарт. Бирок баъзи ходимлар бемалол фукаролик либосларида юрганини кўрамиз. Яна дала шароитида кийишга мўлжалланган махсус кийим (комфуляж)да жамоат жойларида, иш жойида юриш мумкин эмас. Бирок айрим ходимлар томонидан ушбу қоидани бузиш холлари учрамокда.

Гохида ходимлар кўча, ховлида бош кийимсиз бўлишади. Қиш ойларида ёзги бош кийимда юрганларни учратамиз. Меъёрий хужжатларда белгиланган муддатда ёзги ёки қишки хизмат кийимига ўтилади.

Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган эркин ёлланган ходимлар хам кийинишга эътиборли бўлишлари лозим. Айрим шаходатланган ходималар зеби-зийнатини кўз-кўз қилиш ниятида ортиқча такинчоклар, кимматбахо безаклар билан юриш холлари учрайди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат кийимини кийиш қоидаларини қупол равишда бузишаётгани ИИВ рахбариятининг хакли эътирозига сабаб бўлмокда. Ички ишлар идораларининг ички тартиб қоидалари хамма учун баробар. Унга қатъий риоя этилиши шарт.

Айрим холларда ички ишлар ходимининг кийими ўзига мос келмаган, қоматига тушмаганини кўрамиз. Бу ўринда хўжалик бошқармаларидаги мутасадди ходимлар кийимларни хо-

димнинг коматига мос келадиганини танлаб беришлари лозимлигини эслатиб кийими осилиб турган, қоматига нисбатан катта ўлчамдагисини кийиб олганлар кишини ранжитади. Тўгри, фабрикада тикилган кийимлар ходимнинг қоматига мос келмаслиги мумкин. Шу ўринда кенгрок шим, кўйлак ёки кителни тикувчилик йўли билан қоматга мослаб олиш хам мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз бўлса керак.

Кийим инсонга зийнат бераркан, уни қоматга мослаб кийишга, башанг юришга нима етсин.

Фукаролар ички ишлар ходимининг хизмати билан бирга, хизмат кийимини қандай тутишига катта эътибор беришади. Бирники мингга деганларидек, айрим ходимларнинг хизмат кийимига бўлган хурматсизлиги боис купчиликда бошкаларга нисбатан хам салбий фикр уйгониши мумкин. Модомики шундай экан, хизмат кийимини озода тутиб, белгиланган тартиб-коида асосида кийиб юриш шарт эканлигини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Камол МАХМУДОВ, ИИВ ШТБИХ булим бошлиги, майор.



Инсоннинг конституциявий хукукларини чеклаш билан боғлиқ мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш хуқуқи судларга ўтказилиши:

биринчидан, фукароларнинг конституциявий хукук ва эркинликларини одил суд орқали муҳофазасини янада кучайтиришга;

иккинчидан, судгача бўлган жараёнда айблов ва химоя ўртасида самарали тортишув юзага келади. Яъни, прокурор мажбурлов чорасини қўллаш заруратини исботлашга харакат қилса, химоя томони бунинг аксини тасдиклашга ҳаракат қилади. Суд холислик билан тортишув натижалари асосида муайян қарорга келишига;

учинчидан, суд жиноят ишининг айблов ёки оклов томонга огишидан манфаатдор эмас. Чунки судда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш мажбурияти йўқ, суд учун адолат ва ҳақиқатнинг рўёбга чикиши мухимлигига;

тўртинчидан, шахсларнинг суд химоясига бўлган ишончини ортиши, қолаверса, судларнинг мустақиллигини ва суд хокимиятининг таъсирчанлигини ошишига хизмат килади.

Санкция бериш хукукини судларга ўтказиш борасида дастлабки қадамлар ташланаётган мазкур жараёнда ривож-

> (Охири. Боши ўтган сонда).

ланган давлатларнинг ютуқларини ўрганиш мақсадга мувофикдир. Шу маънода хорижий мамлакатлар тажрибасининг ҳам назарий, ҳам амалий жихатларига эътибор қаратиш даркор. Аввало, уларнинг юриспруденцияси, социологияси ва бошка фан сохаларини, қолаверса, мавжуд муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асослар ва уларнинг амалга ошириш механизмини ўрганиш лозим бўлади. Шу мақсадда хорижий мамлакатларнинг қонун чиқарувчи ва суд хокимияти идоралари, таълим муассасалари, илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик қилинса, холи бўлмайди.

Айни кунларда мамлакатимиз хукукшунослари томонидан қамоққа олишга санкция бериш хукукини судларга ўтказилиши муносабати билан амалдаги норматив-хукукий хужжатларга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар устида ишлар олиб борилмокда.

Ушбу жараёнда олдимизда турган долзарб вазифалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

Бирламчи вазифалар, бунда тегишли тартибда хукукий базани мослаштириш ёки такомиллаштиришга оид куйидаги масалалар бажарилиши мақсадга мувофиқ:

- аввало, мавжуд муносабатларни тартибга солишга қаратилган хуқуқий асослар ва уларнинг амалга ошириш механизмини ўрганиш орқали мавжуд холатни, шунингдек, булиши мумкин хисобланган муаммоли холатларни аниклаш;

- ўзгартиш ва қўшимчалар талаб қиладиган нормативхукукий хужжатлар ёки бошка тегишли ички хужжатлар рўйхатини тўлиқ белгилаш ва уларда белгиланадиган нормаларнинг аниклигига оид оқилона тўхтамга келиш;

- дастлабки терговда суд назорати механизми ва мазмунини таъминлашга қаратилган рахбарий қоидалар, яъни ЖПКнинг янги принципини ишлаб чикиш;

- санкция қўллашда иштирок этувчи субъектлар доирасини, уларнинг хукук ва мажбуриятларини белгилаш. Бунда суд марказий ўринни эгаллаши, химоячининг иштироки масаласи;

- санкцияни қўллаш билан боглик боскичлар ва тегишлича окилона муддатларни белгилашта оид (масалан, эхтиёт чораси муддатини узайтириш, терговчи, прокурор ва суд муносабатларидаги алоқаларга оид муддатлар) холатларини аниқ белгилаш;

- унинг механизмини ишлаб чикиш ва бунда имкон қадар инсон ҳуқуқларини қонуний чеклашнинг энг кичик усулларини жорий килиш;

 санкция қўллаш жараёнида прокурорнинг иштироки мазмуни ва ваколатлари чегарасини аник белгилаш. Умуман бу жараёнда проку-

рорнинг иштироки масаласи; - Жиноят процессуал хужжатлар шакли ва мазмунини қайта ишлаб чиқишга оид қонун-қоидаларни белгилаш лозим бўлади.

Иккиламчи вазифалар, ташкилий-кадрлар малакаси ва кўникмасини ошириш билан боглиқ қуйидаги масалалар:

- судларнинг ихтисослашуви шароитида санкцияни амалга оширувчи судлар, судьялар ва санкцияни қўллаш инстанцияларини белгилаш. Бунда мазкур хукукни айнан қайси судларга бериш, яъни хозирда амалда фаолият кўрсатаётган жиноят ишлари бўйича судлар зиммасига ёки мутахассислар орасида мухокама қилинаётган маъмурий судлар ташкил этиш масаласи;

 бу жараёнда судларнинг тегишли маълумот, яъни суриштирув ва дастлабки тергов харакатлари хамда уларни мустахкамлашта оид процессуал хужжатлар билан бевосита ёки билвосита танишиш шароитини яратиш билан боглик ташкилий ишлар;

дастлабки тергов идоралари мажбуриятларини кучайтириш асосида тергов ходимлари масъулиятини ошириш:

 санкция қўллашда иштирок этувчи субъектлар ўкувини, уларнинг биргаликдаги мухокамаси тарзида ташкил этиш ва хозирги холатдаги санкция беришга муносабатни мутлақо янгича тенденциясини улар онгида шакллантириш;

 суд органлари ходимлари фаолиятига қуйиладиган талаблар мазмунини янада кучайтириш, уларнинг масъулиятини ваколатларига мувофик равишда ошириш орқали суд ҳокимиятига ўтказилаётган ваколатларни келгусида яна давом эттириш мақсадга мувофиклигини таъминлаш.

Инсоннинг конституциявий хукукларини конуний чеклаш билан боглиқ мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш хукукининг боскичма-боскич судларга ўтказилиши бу - суд-хукуқ ислохотларининг пировард мақсади бўлган инсон, унинг хукуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигини белгиловчи конституциявий норманинг амалий ифодасини таъминлайди.

> Шухрат ФАЙЗИЕВ, Узбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари, юридик фанлар доктори.

#### «Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»«Постда»

### АГАР ШАЙХЗОДА ХАЁТ БЎЛГАНЛАРИДА...

Яратганга беадад шукурлар бўлсинки, истиклолга эришганимиздан сўнг юртимизда жуда катта ўсиш-ўзгаришлар содир бўлмокда. Биргина Тошкент шахридаги ўзгаришларнинг ўзиёқ хар қандай одамни ўйлашга ундайди. Агар Шайхзода хаёт бўлганларида «Тошкентнома» достонини қайта ёзган булардилар, эхтимол. Айни кунларда кишиларимиз ўртасида бир-бирларига нисбатан хурмат-эътибор қайтадан тикланмоқда. Бу юрт ободлигидан, эл кўнглини шод этадиган омиллардандир.

Аждодларимиз орзу қилган дамлар бизга насиб этган шу кунларда маънавиятимизда, муомала маданиятимизда баъзан оксоклик сезамиз. Инсон боласидан қоладиған энг улуғ мерос факат битта - ширин муомала. Одам хамиша - очми, тукми, қийналиб яшаяптими, фаровон яшаяптими барибир ширин гапнинг гадоси. Ширин сўз инсоннинг рухий озуги булмаганида академик шоиримиз Гафур **Гулом халқ бошига оғир муси**батлар тушган йилларда «бир оғиз ширин сўз нондек арзанда» деб ёзмаган бўларди. Инсон калбига хам оддий ва нон каби табиий ширин сўзлар билан кириб борилади. Бироқ бунга ҳамма хам эриша олмайди. Оддий бўлиб кўринган муомала маданияти ўта мураккаб, асрлар оша ечимини топгани холда амалда бажарилиши оғир булған муаммо. Чунки уни инсон ўзи бажариши керак, бунга эса гурур йўл бермайди. Уни енгиш, синдириш хамманинг хам қулидан келмайди.

Бошдан дуппини олиб бундок ўйлаб кўрайлик, нима учун кўпчилик одамлар ўз «мен»ини ўйлайди. Бу «мен» қурғур шунчалар ёпишкок иллат эканки, инсон қалб турига шу қадар урнашиб олганки, хатто «мен» эгасини дунёга келтирган зот-воли-

даи мухтарамасидан, падари бузрукворидан ҳам ўзини устун қўяркан. Уз «мен» ининг соясида қолган одам ўзлигини йўқотаркан. Хазрат Навоий айтганларидек: «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам».

Манмансираш ва кераксиз ғурур одамлар бошига не-не кулфатларни ёгдирмаган. Ислом тафаккурида инсон ўз «мен»идан, гуруридан кечмай туриб Аллохни танимайди, деган ақида мавжуд. Инсон боласи шу ақидаға амал қилсагина, ўзидаги ортикча гурурни синдиришта қурби етади. Харбий хизматта чакирилган ёшлар хизмат тақозоси билан ўзларидаги манмансирашни синдиришади ва бу дарддан бир-бирларини халос этишади. Қарабсизки, хизматдан қайтганларнинг деярли кўпчилиги босик, жиддий бўлиб, муомала маданиятида хам ўзгариш ясайди.

Тасаввур қилинг, фарзанд ўз отаонасини хурмат килмаса, шогирд устозининг юзига оёқ қуйса, фуқаро ўз хокимининг гапини икки

килса, у юртда осойишталик. фаровонлик бўладими? Мусулмончилик қонун-қоидаларига кўра, Аллохга, унинг Расулига хамда хокимларга нисбатан эътикодда булиш буюрилган: «Эй, муминлар, Аллохга итоат килингиз ва пайгамбарларга хамда ўзларингиздан бўлган хокимларга бўйсунингиз!» (Куръони карим, Нисо сураси, 59-оят).

Узингиз ўйлаб кўрганмисиз? Нима учун хамма — ёшу қари чиройли бўлишни хохлайди, нима учун кўзгу олдида ўзининг у ёқ-бу ёғини тўгрилайди? Нега? Одамларга ёкиш учунми? Усмир ёшидагиларнинг ва ўрта ёшдаги эркак-аёлларнинг бу ҳаракатини қандай бахолайсиз? Кекса ёшдагиларнинг бу хушхулкини-чи?

Бу саволларга хар ким ўз ду-



нёқарашидан келиб чиқиб жавоб бериши мумкин.

Инсоннинг ўзи бир феномен. Агар ундай бўлмаганида эди, Г. Бюхнер: «Инсон тубсиз. Унга қараган кишининг боши айланиб кетади» демаган, Эркин Вохидов уни бежизга тирик сайёрага қиёс

этмаган, Абдулла

Орипов

«Xap бир инсон бир Ватан» - деб таърифламаган бўларди. Инсон сирлигича қолмоқда. Одамзод бир-бирини англаб етма-

гунча олам тинч булмайди. Бир-бирини англамоқ учун эса, энг аввало, хар ким ўзлигини англаши шарт. Кўряпсизми, қанчалар мураккабмиз?! Бундан чучиманг, хар нарсага қодир инсон, муомала маданиятини хам жойига куя олади. Мухтарам Президентимиз 2006

РИВОЖИ ШИРИН СУЗДАДИР

йилни «Хомийлар ва шифокорлар йили» деб атадилар. Бунда жуда катта маъно бор. Чунки халк сог булса, тараққиёт, ўсиш, ривожланиш, қутбарака, тинчлик ва хотиржамлик бўлади. Эл тўқ ва фаровон хаёт кечиради. Аслида яшашнинг мазмуни хам

соглиқ ва иқтисодий фаровонликка

боглик.

Маълумки, табобат илми кучайгани сари, касаллик турлари хам кўпайиб бормокда. Хозир қаёққа қараманг, дорихонага кўзингиз тушади. Аждодларимиз ҳам ҳадим замонлардан бери арзон ва хаммабоп дорини излаб келадилар. Ана шундай дори хакидаги фикрни хам бобокалонимиз Абу Али ибн Сино топганлар. Буюк алломанинг фикрига қараганда, беморни дори-дармон билан бирга сўз билан ҳам даволаган маъкул экан.

Бир оғиз ширин сўз... Қизиқ, замонавий тиббиёт ускуналари, ноёб чет эл дори-

дармонлари

хам ожизлик қилганда, бир огиз ширин сўз ёки муомала касалга рухий далда, жисмоний қудрат бағишлайди. Чунки ширин муомала бош


мияга таъсир қилади. Бош мия эса инсон танасидаги борликни бошқаради. «Яхши сўз - жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи» деганларидек, шифокор доимо ширин сўз ва хушмуомалали бўлмоги шарт.

Шу кунларда фақат пул ва бойлик кетидан қувмай, маънавиятни, имонни, жумладан, сўз қадрини хам унутиб куймаслик лозим.

Машхур социолог олим Дейл Карнеги Америкадаги бизнесменларга (тадбиркорларга) нотиклик махоратидан дарс берган ва улар ўртасида тез орада катта шухрат топган. Чунки Карнегидан сабок олганларидан кейин тадбиркорларнинг кишилар билан мулокотга киришишлари анча осон кучган ва уларнинг савдо ишлари жуда жонланиб кетган. Шунинг учун аввалига бу йигитча савдогарлардан нотик тайёрламоқчими, деб ўйлаган ва унинг маърузаларига 2 долларни хам куп курган бизнесменлар кейинчалик Карнегиннинг хар бир куни учун 30 доллардан ҳақ тўлаб сабоқ олганлар.

Муомала маданияти, айниқса, ички ишлар ходимлари орасида нихоятда кучли бўлмоги керак. Профилактика инспектори туну кун халқ орасида юради, терговчи кунда бир неча ўнлаб фукаролар билан мулоқотда бўлади, ИПХ ходими хайдовчи билан юзлашади... Кувонарлиси, Ички ишлар вазирлиги рахбарияти томонидан хизматнинг ана шундай нозик томонларини эътиборга олиб, «Касб одобномаси» деб номланувчи кўлланма тузилган ва хизматда фойдаланиш учун барча ходимларга етказилган.

Бир ривоят ўкиган эдим, То-



хир Маликнинг китобида бўлса керак. Табиб беморни даволаш учун илон излаб топади. Иўлда келаётиб илон тилга киради:

- Сен мени ўлдириб захрим билан бир одамнинг хаётини саклаб қолмоқчи бўляпсан, тўгри-ми?

Тўгри, — дебди табиб.

- Энди кулок сол, - дебди илон. - Бекор қиласан, бемор менинг захрим билан тузалмайди. Агар биз чаққанимизда тузалар эди. Уни дўсти «чаққан». Одамнинг захрини илоннинг захри йўқ қила олмайди, - дебди ва сўзида давом этибди: - Биласанми, Оллох бизни шундай совук ва бадбашара қилиб яратди, қул-оёқ ҳам бермади. Аммо биз илонлар бир-биримизни чакмаймиз. Сиз инсонларга эса ақлға қушиб бутун борлиқни берди. Шунда ҳам ношукурчилик қилиб, бир-бирларингизни чақасизлар, - дебди.

Табиб илонни ўлдирмай қўйиб юборибди. Хақиқатан ҳам, беморни ўз дўсти чаққан экан, хеч қанақа дори кор қилмай оламдан ўтибди. Тиши билан чаққан деб ўйламанг, тили билан, захар-зукқум гаплар билан чақиб бошига етган...

Агар сиз одамнинг кўнглини овламокчи бўлсангиз, муомала маданиятингизни ишга солинг, бу қулингиздан келади. Бунга осонлик билан эришишингиз мумкин.

> Норкул БЕКМИРЗАЕВ, УзМУ доценти.

Хадемай ўлкамизга қиличини яланғочлаб қиш эшик қоқиб келади. Турар жойлар, махалла ва қишлоқларда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўрилаяптими?. Фукароларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши қандай хунук оқибатларға олиб келишидан хабардормилар? Республика ИИВ Енгин хавфсизлиги бош бошқармаси, "Узбекэнерго" хамда "Узбектрансгаз" давлат акциядорлик компаниялари хамкорлигида ишлаб чикилган режада ана шу ва бошка масалалар қамраб олинган.

тон плиталар билан тўсиб қўйилганлиги ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари иш юритишида мураккабликлар туғдираётгани таъкидланди. Тадбир ўтаёттан "Афросиёб" махалласи худудида хам газ ва электр энергиясидан фойдаланиш билан боглиқ бир қанча ноконуний холатлар мавжуд эканлиги айтиб ўтилди.



Енгин хавфсизлиги коидаларини болалар тарбия масканларидан бошлаш самарали бўлишини соха ходимлари яхши билишади.

Унга кўра жисмоний ва юридик шахслар томонидан газ, электр энергиясидан ноконуний фойдаланиш холатларининг олдини олиш, бу турдаги қонунбузарликларни бартараф этиш хамда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш макса-

дида давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати, газ ва электр энергияси таъминоти идоралари ходимлари биргаликда махаллалар, қишлоқ фукаролик йиғинларида женг қамровли учрашувлар уюштиришмоқда.

Шундай йигилиш Тошкент шахар Миробод туманидаги "Афросиёб" махалласида бўлиб ўтди. Унда қишга тайёргарлик кўриш мобайнида газ ёкилгисидан меъёрий хужжатларда белгиланган тартибда фойдаланиш, лоқайдлик оқибатида келиб чиқадиган ёнгинларнинг олдини олиш хакида гап борди. Ингилишда иштирок этган республика ИИВ ЕХББ бўлим бошлиги, подполковник Дилшод Тухтамуродов, Тошкент шахар ИИББ ЁХБ бошлиғи, полковник Тулкин Иулдошев, Миробод тумани ИИБ ЕХБ бошлиги, подполковник О. Хўжаев, "Мирободтумангазтаъминоти" бошлиги Ш. Муминов, "Мирободтуманэлектртармоги" бошлиги М. Қодиров ва бошқа масъул рахбарлар фуқаролар олдида турган мухим вазифалар ва хонадонларда ёнгинларнинг олдини олиш ҳақида атрофлича фикр юритишди. Хусусан, тумандаги бир қанча мавзелар, махаллалардаги кучаларнинг боши фукаролар томонидан бе-

билан боғлиқ бундай йиғилишлар шаҳримизнинг Учтепа, Бектемир, Мирзо Улугбек, Чилонзор ва бошка туманларидаги махаллаларда хам ўтказилди. Мавсум олдидан ташкил этилаёттан бундай тадбирлар хонадонларда рўй бериши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, иситиш ва ёритиш мосламаларини тез-

рок ва сифатли таъмирлаш, техник носозликлар бартараф этилишида амалий натижа бераяпти.

- Ойлик давомида жойлардан келиб тушаёттан маълумотларни умумлаштириб, тегишли хулосалар чиқариш

ва юкори ташкилотларга такдимномалар киритиш мақсадида бошқарма ёнгин хавфсизлиги хизмати тизимидаги бўлинмалар қошида ишчи гурухлар тузилди, - деди Самарканд вилояти ИИБ ЕХБ бошлигининг ўринбосари, подпол-

Киш мавсумига тайёргарлик кўриш ковник Х. Маллаев. - Хонадонларда ёнгин содир бўлишининг олдини олиш максадида махалла ва қишлоқ фукаролар йигинлари фаоллари, профилактика инспекторлари иштирокида давра сухбатлари, рейд-текширувлар ўтказилиши йўлга

қуйилгани яхши самара бермоқда. Утган йили куз-қиш ойларида руй

берган ёнгинлар тахлили ушбу мавсумда хар бир фукаронинг жавобгарлигини ошириш, уларда онгли тушунча пайдо қилиш зарурлигини кўрсатди. Шу мақсадда республика ИИВ Енгин хавфсизлиги бош бошқармаси ва унинг

шахар, вилоят ва туманлардаги бўлим ҳамда бўлинмалари ходимлари жойлардаги тайёргарликнинг ахволи билан яқиндан танишиб, фуқароларга муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беришаяпти. Ана шу муаммолардан бири кўп қаватли уйлар, ховлиларидаги носоз техник холатлардир. Яъни, бу жойларга кириш йўлакларининг фукаролар томонидан ўзбошимчалик билан беркитиб, сунъий тўсиклар қўйилиши ёнгин хавфсизлиги хизмати, ички ишлар, тез тиббий ёрдам кўрсатиш автомашиналарининг мазкур худудларга киришида қийинчиликлар туғдирмоқда. Иўл ўрталарига бетон ёки темир қозиқли тўсиқлар ўрнатилгани содир бўлган ёнгинларни бартараф этишга халақит беради, холос. Ана шундай салбий холатларни бартараф этишга махалла фаоллари яқиндан кумаклашса мақсадга мувофик бўларди.

Киш - масъулиятли давр. Бу пайтда бирорта оила иситиш ёки ёритиш мосламаларидан азият чекишига йўл қўймаслик зарур. Хаммамиз, шунингдек, ҳар бир идора, ташкилот ва махаллаларда хамжихатликда иш олиб борсак, ёнгинларнинг олди олинаверади.

> Феруза САЪДУЛЛАЕВА, майор.

> > Улугбек ВАФОЕВ, катта лейтенант.

ХИЗМАТЛАРДА

Тумандаги бир қанча

мавзелар, махаллалардаги

кўчаларнинг боши фукаро-

лар томонидан бетон пли-

талар билан тўсиб қўйилган-

лиги ёнгин хавфсизлиги хизмати

ходимлари иш юритишида му-

раккабликлар туғдираяпти.

# COS BYJICA...

мида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли алоқа хизматида хам катта ўзгариш ва янгиланишлар юз бермоқда. Ходимларимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ислохотлар талабларидан келиб чиққан холда ташкил қилинмоқда. Ушбу сохани такомиллаштириш, замонавий алоқа воситалари билан бойитиш, ходимлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришга алохида эътибор қаратилмоқда.

ри,

хамда

Ички ишлар вазирлиги тизи-

Вилоят худудида алоқани янада яхшилаш мақсадида барча шаҳар ва туманлар ички ишлар бўлимларидаги мавжуд алоқа воситалари техник кўрикдан ўтказилди. Иш куролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар, деб бежизга айтилмаган. Шу боис хам профилактика хизмати ходимлари учун ажратилган «Посбон» радиостанциясининг 52 та жамламаси ИИВ алока булими устахонасида таъмирланиб, кайта хизмат ўтамокда. Шунингдек, Қамаши тумани тогли худудлари ҳамда Миришкор, Муборак, Косон, Касби туманлари навбатчилик

қисмлари билан ланган «КШМ-66» рудоимий алока сумли автомобиль доимо ўрнатилган. алоқачилар хизматида.




ТУРМУШ ЧОРРАХАЛАРИДА

# RADMAPAGM

Бойлик кишилар ўртасидаги муносабатни издан чиқарса чиқарадики, аммо кунгил ришталарини боғлай олмас экан. У дустни душманга, қариндошни бегонага, ёрни бевафога айлантириши

хам хеч гап эмас экан.

Бошидан кўп савдолар ўтди. Фарзандлари вояга етмай туриб турмуш ўртогидан айрилди. Ортда қолған йиллар давомида болаларини емайедирди, ичмай-ичирди. Улароилам, бони уйлантириб, уйли-жойли лам-чакам, деб килди. Факат, шу икки куюнувчи Рахмонали ундан қолишмасди. Хуллас, уй моўглига келганида уддасидан чика олмай колди. Нима килжароси бошланишга бошлансин, нафакасига уй сотиб. ди-ю, адо бўлмади. Бу ташололмайди. Фарзандларининг виш энди онаизорни-да ўзлари эса тирикчиликни эпўйлашта мажбур этди. Олмалашади-ю, даромад орттира хон ая икки ўгли муросага олишолмайди. Бошга тушганкелиб, тинч-тотув яшашади, ни кўз кўради-да. бир-бирига суянчиқ бўлиша-Ун йилдан ортик вакт моди, деб умид қилганди. Улар байнида ака-ука Султонали эса муштипар онанинг кўз

> Кунларнинг бирида Султонали уйга маст холда келди. Ховлида Рахмоналининг хотини Назирахон уй юмушлари билан банд эди.

олдида ўзаро душманга айла-

- Рахмон келмадими? сўради у келиндан.

- Келмади...

нишди.

Келин унинг авзойи бузуклигини кўрди-ю, индамай нари кетди. Хеч нарсадан хабари йўқ Рахмонали уйга келиб, Султонали билан бинойидек салом-алик қилди. Ичкарида эса Олмахон ая хотиржам ўтирар эди. Шу пайт ташқаридан келаётган шов-

Тиззасига суянганча қаддини тутиб, ташқарига йўналди. Ховлида ака-ука жанжаллашаётган экан.

- Яна нима гап, бирор нима бўлдими? - ўгилларига юзланди она.

- Курмайсизми, акам уйни бушат деяпти, - шикоят қилди Рахмонали.

- Тўгри-да, бу уй менга тегишли, бушатиб қуйсин.

Уф, яна уй жанжалими? юраги сикилди Олмахон аянинг. - Сенларга акл кирмади-кирмади-да. Болаларинг вояга етиб қолса ҳам бир-биринг билан уришганинг-уришган. Қушнилар эшитса нима дейди-а?

- Эшитса-эшитишаверишсин. Мен барибир шу уйда қоламан, - чурткесарлик қилди Султонали.

Шундайми? - жахл қилди она ҳам. - Сенларга уй керак, шунақами? Мана шу уйда икковингдан биринг қолишинг керак, тўгрими? мавжуд эди. Бироқ ҳамиша қин-сурондан чучиб тушди. Бу уй менга тегишли. Уй ме- қобил булиб тарбия топган-

нинг номимда, хеч

кимга бермайман. Мен тирик эканман, бу уйга хеч ким хўжайинлик қила олмай-

- Нима? - кўзлари чаногидан чикиб кетгудек бир алфозда онасига тикилди Рахмонали. - Сиздан кейин мен кучада қолар эканманда-а? Бунингиз уч марта қамалиб чиққан. Уйга эгалик қилиш учун мени сўйиб ташлашдан хам тоймади-ю, бизни шу ахволда қолдирмоқчимисиз? Ундан кўра мен ундан хозирок кутулганим яхши.

У шундай деди-да, сал нарида турган ошпичокни олиб акасининг қорнига санчди. Султонали қорнини ушлаганча ерга йикилди. Олмахон аянинг кўз олди қоронғулашиб, ақлдан озай деди.

Шу куни қишлоқдаги мозорда яна бир қабр пайдо бўлди. Углини сўнгги манзилга кузатган она туни билан ухлолмади. Бошига тушган бу савдо унинг юрак-багрини эзди. Фарзандлари но-

лигидан азият чекди. Мехрмухаббат, садокат каби туйгулар бу хонадонга қачон ёт бўлганини билолмай боши қотди. Тонгга яқин эса кўзи илинибди. Тушида рахматли чоли унга маъюс бокиб турганмиш. Олмахон ая у томон талпинармиш-у, негадир оёклари ўрнидан қўзголмас эмиш. Эри бўлса умидвор боқаверармиш. Олмахон ая турмуш ўртогига бир нима демокчи бўлиб эндигина оғиз жуфтлаган эди, қалин туман ичида пайдо бўлган Султонали онасига бир кулиб қаради-да, отасининг билагидан ушлаганча зулматга кириб кетишди...

Чучиб уйгонган она белидаги огрикни хам унутиб деразадан қаради. Тонг отишига бир бахя бор. Уч-турт эркак таъзияга келадиганлар учун жой хозирлашяпти. Олмахон ая деворга суянганча Султонали билан турмуш ўртогининг сиймосини кўз олдига келтирди. Уларни бир умрга йўкотганлигини эслади. Эслади-ю, томогига қадалған бир нимани йўқотиш истагида ютинди. Шунда бўғзидан отилиб бир нидо чикди:

- Бо-лам, вой, бо-лам! Хали тонгни қарши олиб улгурмаган қишлоқ узра баралла янграган бу овоз она-

нинг сўнгги нидоси эди.

Саминжон ХУСАНЗОДА.

Узбекистон Республикасининг «Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўгрисида»ги Конунига биноан мамлакатимизда ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси Тиббиёт ходимлари куни деб эълон килинган. Саломатлик посбонларининг касб байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошкармаси бошлиги, полковник Абдуазим Аминов сахифамиз мехмони бўлди.

- Абдуазим Абдуллаевич, сухбат аввалида ИИВ Бирлашган тахририяти жамоаси Сизни ва ички ишлар идоралари тиббиёт муассасаларининг барча ходимларини касб байрами билан самимий кутлайди.

- Рахмат.

 Кейинги йилларда ички ишлар ходимларига тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш борасидаги ишлар хакида гапириб берсангиз.

- Маълумки, мустакиллик йилларида мамлакатимизда тиббиёт хизматига жуда катта эътибор бериляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки фукаролари саломат, бардам юртнинг иқтисодиёти мустаҳкам бўлади. Шу жумладан, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги поликлиникалар, касалхоналар, дам олиш уйларининг бундан ўн йиллар аввалги холати билан солиштирсангиз куп нарса аён бўлади. Ички ишлар ходимлари тинчлик, осойишталик посбонлари экан, уларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар юқори даражада бўлиши керак. Хизмат самарадорлигини ошириш, такомиллаштириш учун биринчи галда замонавий тиббий асбоб-ускуналарга суянилади. Шуни хисобга олиб, кейинги йилларда Корақалпогистон Республикаси ИИВ, Тошкент шахри ИИББ, бир қатор вилоятлар ИИБ тиббиёт бўлимлари УЗИ (ултратовушли текширув) ва эндоскоп ускуналари билан таъминланди. Бу ўз навбатида ходимлардаги ошқозон-ичак ва бошка ички касалликларга аник ташхис қуйиш имконини беряпти. Юрак фаолиятини текшириб туриш учун ихчам ЭКГ ускуналари сотиб


WIIII GEBUH MAP CAMONATION OF THE 现的第一份。1300元300

са фахрийларнинг юрак фаолиятини текшириб кўришда қўл келяпти. ИИВ Марказий госпиталида «Компьютер-томография» бўлинмаси ишга туширилгандан кейин эса остеохондроз, диск чурраси, турли ўсма касалликларига ташхис қуйиш ва уларни даволаш сезиларли даражада яхшиланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Булардан ташқа-

рон, кек-

гини тиклаш, касалликдан фориг этиш асосий вазифамиздир. Беморга хизмат курсатадиганлар учун эса қулай иш шароити ҳам зарур. Кейинги йилларда вилоятлар ИИБ тиббиёт бўлимлари кенгайтирилиб, янги биноларга кўчирилди, эски бинолар таъмирланиб, замонавий услубда жихозланди. Масалан, Сирдарё вилояти ИИБ тиббиёт бўлимининг таркиби кенгайтирилди, касалхона ташкил этилди. Нари бир қатор касалликларни манган шахридаги республика хабар бўлдилар.

эса Бухоро шахрида «Узбекистон Республикаси ИИВ махсус муассасалари контингенти ва шахсий таркиб орасида сил ва СПИД касаллигига қарши кураш бўйича тадбирларни кучайтириш мавзусида илмийамалий анжуман ўтказилди. Тадбирлар давомида шифокорларимиз республикамизнинг таникли тиббиёт олимлари, мутахассисларининг маърузаларини тинглаб, даволашнинг янги усулларидан бо-



даволашнинг янги, замонавий усуллари жорий этилганини хам айтиб ўтиш жоиз.

- Тиббиёт ходимлари учун иш шароитларининг яратилиши, уларнинг малакасини ошириш борасидаги ишлар қандай бормокда?

- Тиббиёт муассасасига мурожаат қилиб келган ҳар бир беморга малакали хизмат кўрсатишимиз керак.

физиотерапия шифохонасида янги бўлинма қуриб ишта туширилди ва бошқалар. Буларнинг барчаси шифокор, хамшираларнинг беморларга хизмат қилишларида қулайликлар яратди, иш ўринлари кенгайтирилиб, малакали шифокор ва хамшираларни хизматга жалб этиш имконини бер-

Хар қандай мутахассис, жумладан тиббиёт ходими хам доимий равишда малакасини ошириб туриши керак. Ана шу максадда биз шифокорларимизни республика Согликни сақлаш вазирлиги тизимидаги қатор илмий текшириш институтлари, илмий марказларига тажриба ўрганиш, ўкишга юбораяпмиз. Бундан ташқари, йилда уч-тўрт марта илмий-амалий анжуманлар ўтказиб турилибди. Шу йил апрель ойида «Шахсий таркиб ва махсус-контингент орасида сил касаллигини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш», июнь ойида «Ички ишлар вазирлиги тизимида амбулатор-поликлиника ёрдамини ташкил этишни такомиллаштириш» мавзуида ўтказилган илмий-амалий анжуманлар

- Шифокорларда «Касални даволагандан кўра, олдини олган афзал» деган нақл юради.

- Саволингизни тушундим. Бу пурмаъно иборани бошка хизматларда ҳам қўллаш мумкин. Бирок биз учун эса асосий шиор хисобланади. Хар қандай касаллик бошланғанда маълум бир белги беради. Уни тезда пайқаб, чора кўрилса, зўраймасдан чекинади. Бу кўпроқ одамларнинг ўзига боғлиқ. Афсуски, айримлар касал бошланганда эмас, зўрайиб, хатто даволаш мушкул бўлиб қолганда келишади. Биз буни яхши билган холда шахсий таркиб ўртасида профилактик ишларга алохида эътибор берамиз. Турли касалликларнинг бошланиши, юкиши сабабларини тушунтириб, варақалар тарқатамиз, тиббий кўрикдан ўтказамиз. Бу зарурий тадбир туфайли ҳар йили ички ишлар идораларининг 9-10 фоиз ходимларида касалликлар илк даврларда аникланиб, даволаш чоралари кўриляпти.

 Ички ишлар идораларидаги шаходатланган ва эркин ёлланган ходимларни тиббий курикдан утказиш борасидаги ишлар хакида хам тухталсангиз.

- Инсон саломатлигини саклаш, аввало, ўзига боглик. Хар қандай шароитда ҳам соғлиғи ҳақида ўйлаши, қайғуриши керак. Лекин йилда бир марта шифокор кўригидан ўтиб

туриш зарар қилмайди, албатта. Айниқса, ички ишлар ходимларининг иш вакти чегараланмагани сабабли саломатлигига зарар етиши мумкин. Шунинг учун ҳам ИИВ кўрсатмасига биноан барча шаходатланган ва эркин ёлланган ходимлар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтишлари шарт этиб белгиланган. Ходим чукур лаборатор тахлиллардан ўтказилиб, мутахассис шифокорлар томонидан саломатлиги текшириб кўрилади. Бу тадбир давомида бошланиб келаёттан касалликлар аниқланади, зарур холларда даволаш чоралари кўрилади, ётиб даволаниш учун йўлланма берилади. Шу ўринда айрим ходимларнинг тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтмай, бир неча марта чакирув ва огохлантирилгандан кейин келишларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Яна қайтариб ўтаман, тиббий кўрик биринчи галда ходимларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида ўтказилади.

- Хомийлар ва шифокорлар йили якунига етяпти. Тиббиёт хизматида талай ишлар қилингани маълум. Келгуси режалар хакида хам гапириб берсангиз.

- Шу йил бошида ИИВ тизимида кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш мақсадида 2006 — 2008 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чикилган. Ана шу дастур асосида ИИВ марказий госпиталининг филиалини барпо этиш, «Зарафшон» санаторийсини кенгайтириш, Наманган вилоятидаги «Косонсой» санаторийсини капитал таъмирлаш, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ИИБ тиббиёт бўлимлари, Қорақалпогистон Республикаси ИИВ поликлиникасини янги биноларга кўчириш режалаштирилган. ИИВ Марказий госпитали учун ЯМР (ядерно магнитно резонанс) томографи, шунингдек, яна зарур замонавий тиббий асбоб-ускуналар сотиб олиш мўлжалланяпти. Буларнинг барчаси ички ишлар ходимлари ва улар оила аъзоларининг саломатлигини саклаш, даволаш учун хизмат қилади.

 Мазмунли сухбатингиз учун рахмат.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ сухбатлашди.

Суратларда: ИИВ Марказий госпитали ва стоматология поликлиникаси ходимларининг иш фаолиятидан лавхалар.

А. Кенжаев ва В. Боц олган суратлар.



Фитрат XX аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакили. У комусий билимга эга олим, адабиёт назариячиси, уткир тилшунос, бетакрор драматург ва шоир, жанговар публицист, ношир ва журналист, талантли давлат ва жамоат арбоби эди.

Абдурауф Фитрат ўз таржимаи холида ёзишича, 1884 йилда Бухорода туғилди. Фитрат - Абурауфнинг тахаллуси бўлиб, «туғма истеъдод» маъносини беради. Отаси Абдурахимбой савдо билан шугуллангани боис чет элларга чикар, дунё ахволидан бохабар, ўкимишли ва таникли киши эди. Онаси Бибижон адабиётшунос бўлган. Фитрат оиланинг тўнгич фарзанди эди. У бошлангич тарбияни диний мактабда, сўнг машгур «Мирараб» мадрасасида олди. Форс ва ўзбек тилларининг мукаммал билимдони булмиш Фитрат араб тилини хам чукур эгаллаб, шахарда, юртда юз бераётган ижтимоий-сиёсий вокеаларга, айникса, жадидчилик

харакатларига қизиқиб қаради.

Жадидлар маслахати ва ёрдами билан бир гурух ёшлар, жумладан Фитрат Истамбулга ўкишга юборилади. У 1909 - 1913 йилларда Туркияда тахсил олди. Туркиядаги хаёти Фитратнинг дунёкараши, сиёсий онги ва адабий дидини ўзгартириб, ўстириб юборди.

Фитрат адабиётнинг хамма жанрларида қалам тебратди ва ўз орзуармонлари, эзгу тилакларини таргиб эта бошлади. У 1910 йилда Истамбулда «Сайҳа» («Бонг») деган шеърлар тупламини бостирди. У хам форс тилида эди. «Хинд сайёхининг қиссаси»ни хам форсчада ёзди ва 1912 йилда Истамбулда нашр эттирди.

Фитрат Туркиядан қайтгач, Бухоро, Самарқанддаги қизғин адабий жараён, маданий, маориф ишларига ва сиёсий харакатларга фаол аралашиб кетди. Жадидчиларнинг бир гурухи маориф-маърифат орқали халқ ахволини яхшилашта интилишса, иккинчи гурухи давлат тизимини ислох этиш, кайта қуриш орқалигина халқ ва юрт ахволини ўнглаш мумкин, деган сиёсий йўлдан юришга интилди.

Фитрат 1921 йилда Бухорога келиб давлат ишларида фаол иштирок этди. Бир қанча масъул вазифаларда ишлаб, Бухоронинг ривожи учун қўлидан келган ёрдамини берди. Аммо Ф. Хўжаев бошчилигидаги Бухоро хукумати рахбарларининг миллатнинг тараққиёти учун олиб бораётган кенг кўламдаги яхши ишлари Москвага ёкмайди.

Фитрат Москвадан қайтиб келгач, Бухоро, Самарқанд, Тошкент университетларида дарс берди, ди, 1937 йил 23 апрелда хибсга дир.

Узбекистон Давлат илмий-тадкиқот институтида, тил ва адабиёт институтида, Узбекистон Фанлар қумитасида ишлади. Бу йиллари у шеърлар, пьесалар билан бирга нихоятда кўп ва теран илмий асарлар ёзди. Аммо Фитратнинг миллатпарварлиги большевиклар ва Шўро хукумати рахбарларига ёкмас эди. Уни А. Кодирий, Чўлпон, Боту, У. Носирлар билан биргаликда миллатчиликда айблаш тобора авж олди. Фитрат «Мен ўзбек миллатчиси бўлган замонларда (миллатпарвари демокчи. -С. М.) ҳар вақт Шўро ҳукуматига коммунистик фиркасига хайрихох бўлиб турдим», деб ёзган эди. Афсуски халқ идеали ва бахт-саодати, ҳақиқат, адолат, маориф, фан, маданият ва миллат такдири учун туну кун мехнат қилган бу улуғ зотни шу партия, шу Шўролар хукумати аксилинкилобчи, миллатчи, «халқ душмани» деб айблаолди ва 1938 йил 4 октябрда А. Қодирий, Чулпонлар билан бирга вахшийларча отиб ташлади. Уларни отиш ҳақидаги ҳукм бир кун кейин, яъни 1938 йил 5 октябрда чиққан. 1957 йилда Собиқ Иттифок Олий судининг харбий коллегияси 1938 йил 5 октябрдаги хукмни бекор қилди ва Фитратни айбсиз деб топди.

Фитрат кўп қиррали ва сермахсул ижодкордир. Бу - унинг оз ва соз лирикаси, куп қиррали драматургияси, жанговар публицистикаси ва катта хажмдаги чукур илмий-тадқиқотларидир. Унинг ижодий ишлари ва ижтимоий фаолияти халқни жахолат, тургунлик, ғафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга чорлаш, эркин, озод, бахтсаодатли ҳаётга, биринчи навбатда миллий мустақилликка чорлашга қаратилган эди. У ўзбекнинг ўзлигини таниши, ота-боболари каби улугвор кашфиётлар қилишга, бирлашган, кучли, қудратли давлат тузишта ва дунёнинг илгор маданий мамлакатларига етиб олишга чақирди. Бутун ижодининг мохияти халкнинг қалб кўзини очишга ва мехнат, яратиш, ўкишуниш, курашга даъватдан иборат-

# Келгуси-хафта учун

Ушбу хафтада якинларингизга саховат курсатасиз. Аммо ўзгалар муаммосини бутунлай зиммангизга олишингиз максадга мувофик эмас. Кўнгилли хордик фаоллигингизни оширади.

#### СИГИР.

Таъсир доирангизни кенгайтириш, янги маслакдошлар топиш ва мухим вазифани бажаришга муваффак бўласиз. Муносиб ютукларни кўлга киритиш саъй-харакатларингизга боглик эканлигини унутманг.



#### ЭГИЗАКЛАР. Мазкур хафтада ракобатчиларни догда колдирасиз. Мавкеи юкори бўлган танишлар орттириш имконияти бор. Кутилаётган ўзгаришлар сизга кат-

#### КИСКИЧБАКА.

та наф келтиради.

Бажараётган ишингиз ва молия билан боглик муаммоларни хал этишингизга тўгри келади. Айрим масалаларда хақ эканлигингизни исботланг. Кўзланган ишлар осонгина битади.



АРСЛОН. Сабр-токат билан иш куришингиз омад келтиради. Саёхатларга боришингиз мумкин. Танишлар ва қариндошлар билан мулокотдан кунглингиз тогдек кутарилади. Ат-

рофдагиларга ўз гояларингизни ошкор килмаганингиз маъкул.

#### БОШОҚ.

Севган кишингизнинг мухаббати, хамкасбларнинг эса хурматини қозонасиз. Зиммангиздаги вазифаларни уддалашда бу жихатдан унумли фойдаланинг.



ТАРОЗИ.

Кутилмаган вокеаларнинг гувохи булишингиз эхтимолдан холи эмас. Учрашувлардан катта таассурот оласиз. Хаётга кулиб бокинг. Феъл-атворингизни шакллантириб боришингиз зарур.

#### ЧАЁН.

Ишчанлигингиз ва касбингизга бўлган иштиёк нафакат алоқаларни мустахкамлайди, балки хаётга мухаббатингизни оширади. Мазкур хафтада ўзингизни одатдагидек тутиб, кўнглингиздаги туйгуларни яширмаганингиз маъкул.



Атрофингиздаги одамлар билан муносабатда якдиллик хукм суради. Эътиборли инсонлар билан мулокотда имкон қадар ён босиш-

#### тоғ эчкиси.

Кариндошлар билан борди-келдини яхшилашнинг айни вактидир. Бунинг учун ўзингизга бўлган ишончни мустахкамлашингиз зарур. Дам олиш кунлари ота-онангизни бориб кўришга вакт ажратинг.



KOBFA.

ни маслахат берамиз.

Орзу-истаклар йўлида бор билим ва куч-кувватингизни аямаслигингиз лозим. Белгиланган ишларни нихоясига етказиш учун барча имкониятлар мавжуд. Факат тер тукиб ишлашингизга тугри келади.

#### БАЛИК.

Кувнок ва ёкимтойлигингиз ютукларга эришишингизда катта ахамият касб этади. Бундан унумли фойдаланинг. Якшанба куни дустларингиз йўклаши мумкин.



#### *ТАБРИКЛАЙМИЗ*

Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли муассаса бошлиғи, подполковник Бахтиёр ИСМОИЛОВни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Хамкасбимизга сихат-саломатлик, узок ва сермазмун умр, оилавий тотувлик, огир ва машакқатли хизматларида муваффақиятлар ёр бўлиб, хонадонидан хотиржамлик, файз-барака аримасин, мартабаси баланд, толеи порлок булсин.

Вилояти ИИБ рахбарияти ва шахсий таркиби.

Бухоро вилояти Бухоро тумани ИИБ ходими, майор Сулаймон ЖОНИКУЛОВни тугилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Унга мустахкам соглик, узок ва мазмунли умр, масъулиятли ва шарафли хизматида улкан муваффакиятлар ёр бўлиб, бахтимизга кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраб қоламиз.

Эхтиром ила оила аъзолари ва якинлари.

#### Давлат, хусусий хамда бошқа мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар рахбарлари диккатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШКАРМАСИ

ПРИНТЕРЛАР, НУСХА КЎПАЙТИРУВЧИ АППАРАТЛАР ХАМДА УЗЛУКСИЗ КУВВАТЛАШ МАНБАЛАРНИ ХАРИД КИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН КИЛАДИ

Тендер таклифлари 2006 йил 6 декабрь соат 17.00гача кабул килинади

Манзил: 700070. Тошкент шахар, Ш. Руставели 1-берк кўча, 1-уй.

Маълумот ва тендер хужжатларини олиш буйича хар куни соат 9.00 дан 18.00 гача курсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

Тел.: 8-10998 (371) 152-30-36, 136-27-82,

Факс: 8-10998 (371) 361-43-73, E-mail: umtvs@uzpak.uz

Ички ишлар идораларидан офицер бўлиб нафакага чиккан ходимларга имтиёзлар борми? Моддий ёрдам, сихатгох, шифохонага йўлланмалар бериладими? Маматкосим Саматов, истеъфодаги майор.

Узбекистон Республикаси ИИВнинг 1994 йил 19 июндаги 149-сонли буйругига кўра ички ишлар идоралари хизматидан 1, 2 ва 3-гурух ногирони бўлиб нафақага чиққан фуқароларга йилига бир марта санаторийкурортга даволаниши учун бепул йўлланмалар берилади. Қолган ички ишлар идоралари фахрийларига эса бу йўлланма бахосининг 25 фоизи, оила аъзоларита эса 50 фоиз пулини тўлаш йўли билан берилади.

Ундан ташқари, Узбекистон Республикасининг амалдаги солиқ қонунларига кўра ички ишлар идоралари ходимлари ва фахрийлари иш ҳақи ва нафақасидан солиқ чегиримлари ушлаб қолинмайди

Узбекистон Республикаси ИИВнинг 1998 йил 10 октябрдаги 206-сонли буйруги асосида хизмат пайтида турли даражадаги тан жарохати олган ички ишлар ходимлари олган жарохатининг оғир, енгиллигига қараб ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 25 бараваригача бирданига тўланадиган микдорида, халок бўлган ходимларнинг оилаларига эса 50 бараваригача микдорда пул маблағи туланади.

ва бошқа имтиёзлар берилади.

Тошкент Давлат юридик институтини битирганман. Кўп йиллар ички ишлар идораларида ишладим. Хозирда нафакадаман. Адвокатура очишим мумкинми?

Н. Тохиров, Тошкент шахри.

Сиз факат Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг худудий идоралари қошидаги махсус Хайъатлар томонидан такдим этилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлсангизгина адвокатлик фаолияти билан шуғулланишингиз мумкин.

Мен Узбекистон Миллий университетида ўқийман. Чилонзор туманидаги қариндошимнинг уйида яшайман. Собир Рахимов туманида руйхатда туриб, Чилонзор туманида истикомат қилаётганим учун жаримага тортилишим мумкинми? Қ. Пўлатов, талаба. Тошкент шахри.

Ички ишлар идорасида ишлаш ниятим бор. Аммо отамнинг амакиваччаси бундан 11 иил олдин судланган. Бу холат ишга киришимга тўскинлик киладими? 3. Сидликов,

> Отангизнинг амакиваччаси судлангани ички ишлар идораларига ишга киришингизга тўскинлик килмайди.

Бухоро шахри.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўгрисидаги кодексининг 123-моддасига (Паспорт тизими қоидаларини бузиш) асосан жаримага тортиласиз. Фукаро доимий руйхатда турган жойидан бошқа жойда яшаган тақдирда ўша ерда вақтинчалик рўхатдан ўтиши лозим.

Саволларга юридик фанлар номзоди **F. АЛИМОВ** жавоб берди. Мабодо, бош лукиллаб ёки

пишади.

глайга боглаб ётсангиз, дардингиз енгиллашади. Агар бош айланса, сунбул раси ва гулхайри сувиўтини

«Тез-тез бошим огриб туради, дори ичаверишнинг хам за-

зиркираб огриса, бинафща гу-

лини ёки хантал (горчитса)ни

асал билан аралаштириб, ман-

к. одилова,

рари бор дейишади. Халқ табобатида бу касалликка қандай даво усуллари борлиги хакида билишни истардим.

Нурота тумани»

Бош огриганда асло укаламаслик керак, огрик босилсада, кейинчалик зарар қилади. Оёқ кафтини уқалаб, яхшилаб муштлаш фойда беради.

Бош огригининг турлари куп:

мизож ўзгариши, шақиқа, шамол-

лаш, кучли сиқилиш қаттиқ чар-

чаш, захарланиш, табиий таъсир-

лар ва бошқалардан бош оғриши

мумкин. Уни даволащда ана шу

омилларни хисобга олиш даркор.

осойишталикдан, узок фикр-

лашга бархам беришдан кўра

яхши даво йўқ.

Бош огригини йўқотиш учун

Кизил атиргулнинг япрогини қайнатиб ёки офтобда сақлаб олинган мойидан суркалса, дарддан фориғ бўлиш мумкин.

Агар иссикдан бош огриса, салқинга ўтиб, гулхайри ва оқ атиргулни янчиб бошга суркаш фойда беради.

Енгокнинг тоза яшил пўстлогини янчиб, хина билан аралаштириб бошга суртилса, огрикни колдиришда ёрдам беради.

Мойчечак (ромашка) гулини сувда қайнатиб, чой каби ичиб юрилса хам фойдаси тегади.

қайнатиб суви ичилса, у тўхтай-

Камқонликдан бош огриса олма, бехи, узум ва бодомни қанд-шакар билан аралаштириб ейиш ва новвотли чой ичиш дардни енгиллаштиради.

Бош огригидан халос бўлиш учун бир сиқимдан гулхайри ва бинафша гулидан, уч сиким буғдой кепагини қайнатиб, сувига оёқ солиб ўтириш керак.

Сафродан бўлган бош огригида арпа суви ва мошни қайнатиб ичиш фойда беради.

Савдо туфайли бошланган бош огригига чалинганлар девпечак шарбатини ичишса, бодом ва мойчечак (ромашка) мойини аралаштириб суркалса, нўхат солинган угра ош истеъмол қилиб юришса, иншааллох, шифо то-

Иссикда кўп юриш туфайли бош огрий бошласа, исмалок ши-

> ни аралаштириб суркалса, даво бўлади.

Шақиқа (бошнинг ярми огриши)да заъфарон уругини туйиб, гулоб (гул суви)да хамир қилиб суркалса, фойда беради.

Исмалок шарбатидан бир-икки ош қошиқ ичиб туриш

миянинг лорсиллаб огришидан халос қилади.



# «ХИЗМАТИДАН минатдормиз»

Утаётган йил шифокорлар учун гоятда масъулиятли бўлди. Хукуматимиз томонидан яратилган имконият ва имтиёзлар соха ходимлари олдига улкан вазифаларни қўйди. Бу вазифалар жойларда қандай бажарилмоқда?

Жумладан, осойищталик посбонлари саломатликлари йўлида қилинаётган ишлари билан қизиққанимизда Қорақалпогистон Республикаси ИИВ поликлиникаси бошлиги, катта лейтенант Куаниш Аимбетов қуйидагиларни маълум қилди.

- Энг аввало, ходимлар белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Мазкур йилда пенсионерлар, Афгон уруши қатнашчилари, Чернобиль АЭС халокатида қатнашган ходимларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам бўйича аник вазифалар белгилаб олинди. Ички ишлар идораларида узоқ йиллар давомида ишлаган ёлгиз пенсионер хамда ёрдамга мухтож бўлган қариялар, уруш қатнашчилари ва ногиронлар рўйхатга олинди.

Уларнинг уйларига ташриф буюриб, тиббий кўрикдан ўтказилди. Хизмат вазифасини бажариш вақтида биринчи гурух ногирони бўлган Р. Мамбетниязов ва иккинчи гурух ногиронлари А. Аркиев, Е. Баймуратов, М. Ештаевларга бепул дори-дармонлар берилди. Иккинчи жахон уруши фахрийларидан К. Бекмуратов ва Б. Жолмука-

новларга эшитиш аппарати, 1-гурух ногирони М. Туримбетовга ногиронлар аравачаси олиб берилди.

- Биздек қалби кемтик инсонларга бундай мурувват ва эътибор, берилаётганидан мамнунмиз, - дейди биринчи гурух ногирони Р. Мамбетниязов.

Узбекистон Республикаси ИИВ Марказий госпиталида 45 нафар ходим, куплаб пенсионерлар ўз саломатликларини тиклаб қайтишди.

Коракалпогистон Республикаси ИИВ согломлаштириш марказида 28 нафар 2-гурух ногиронлари, 12 Афгон уруши қатнашчилари, 105 пенсионер ва уларнинг оила аъзоларига бепул тиббий хизмат кўрсатилди.

Хулоса қилиб айтганда, айни пайтда ходимлар билан бир қаторда нафақадаги ходимларга хам намунали тиббий хизмат кўрсатилмокда. Айникса, терапевт Р. Акчурина, кардиолог Людмила Ли, невропотолог Ережеп Ешчанов ва катта ҳамшира Диляра Матчонова, хамшира Мария Бекмуратовалар хизматидан миннатдор бўлишмокда.

д. худойшукуров.

### хоразм вилояти ииб «динамо» СПОРТ ЖАМИЯТИ ТАРБИЯЛАНУВЧИСИ ХУРШИДА БЕКМОНОВА ЁШЛАР ЎРТАСИ-ДА МОСКВАДА ЎТКАЗИЛГАН САМБО БЎЙИ-ЧА ЖАХОН ЧЕМПИОНАТИДА КУМУШ МЕдаль совриндори булди. хуршида

MOXCYNACHAA

40 килограмм вазнда мамлакатимиз шарафини химоя қилдим, - дейди Хуршида Бекмонова. - Дастлаб қозогистонлик рақибимни ютгач, ўзимга бўлган ишонч ортди. Финалда белоруссиялик ракибимни ўйин

тамом булишига бир дақиқа қолганда ҳам 5:4 ҳисобида ютиб тургандим. Билмадим, толикдимми ёки тажриба панд бердими, дуранг килишга имкон бериб куйдим. Хакамлар қарорига кўра охирги баллни олган спортчи голиб деб топилди.

 Хуршида нихоятда иктидорли спортчи, — дейди устози Солий Каландаров. - Машғулотларга мунтазам қатнашади. Қўлга киритган муваффақияти унинг тинимсиз мехнатлари махсули. Биз қизимизнинг бундан хам яхшироқ натижаларга эришишига ишонамиз.

Хоразм вилояти ИИБ навбатчилик қисми бўлинма бошлиғи, подполковник Шокир Бекмоновнинг қизи Хуршида сингилларини ҳам спорт билан шуғулланишга тортди. Натижалар хозирча чакки эмас. Энг асосийси, тўнгич қиз жахон чемпионати совринини Урганчга олиб қайтди.

> Мирза АБДУЛЛАЕВ. Суратда: Хуршида Бекмонова. Муаллиф олган сурат.

KYBOHAPJIM HATHIKAJIAP

Аввал хабар берганимиздек, 2006 йилнинг 1-5 ноябрь кунлари Эрон Ислом Республикаси пойтахтида Енгин ўчирувчилар ва қутқарувчилар спорти бўйича III Жахон чемпионати ўтказилди. Бу нуфузли мусобақаларда Узбекистон Республикаси ИИВ делегацияси хам иштирок этди.

Терма жамоамиз аъзолари Техрон шахридан қайтиб келишди. Жамоа таркиби асосан ёш спортчилардан ташкил этилганлигини айтиб ўтиш жоиз. Шунга қарамасдан, вакилларимиз фахрли 7-ўринни эгаллашди.

Жахон чемпионатида қашқадарёлик



Рахимжон Рузиев юкори натижалар кўрсатди ва кучли ўнликдан жой олиб, Халқаро тоифадаги спорт устаси" меъёрини бажарди.

Енгин ўчирувчилар ва қутқарувчилар спортини ривожлантиришта кушаёттан катта хиссаси учун халқаро федерация тавсияси билан Узбекистон Республикаси терма жамоаси катта устози, Узбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, катта сержант Сервер Кистоубаев Россиянинг "Буюк Пётр" ордени билан мукофотланганлиги хам кувонарли хол бўлди.

> C. AXPOPOB, подполковник.

Суратларда: Узбекистон Республикаси терма жамовси квтта устози, Узбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи С. Кистоубаев; Қашқадарё вилояти Муборак тумани ИИБ ЕХБ ёнгин ўчирувчиси, Узбекистон терма жамоаси аъзоси Р. Рузиев.

Т. ОРУНОВ олган суратлар.

#### ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Бешафқат ўлим иккинчи жахон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник

Алексей Васильевич НЕВЕРОВии

91 ёшда орамиздан олиб кетди. А. Неверов қарийб қирқ йил хуқуқтартибот идораларида хизмат қилиб кўплаб мутахассис кадрларга устозлик қилди. Унинг кўп йиллик самарали хизматлари муносиб такдирланган. Бу фидойи инсон нафакада бўлишига қарамай сафдошлари ва жамоадошлари билан доимий алоқада булиб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни саклаш ишига хисса кушиб келди. Унинг ёркин хотираси қалбларда сақланиб қолади. Мархумнинг оила аъзолари ва якинларига чукур хамдардлик билдирамиз.

Узбекистон Республикаси ИИВ рахбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши

Узбекистон Респубишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник

Acar ЗАЙНУТДИНОВиниг

бати билан мархумнинг оила аъзолари ва якинларига чукур таъзия изхор этадилар

Жиззах вилояти ИИБ ликаси ИИВ Фахрийлар рахбарияти, шахсий таркенгащи аъзолари ички киби ва фахрийлар кенгаши бошкарма назорат ва тафтиш инспекцияси тафтишчиси, майор

Мухиддин

**КАЮМОВнинг** муносабати билан унинг оила аъзолари ва якинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ рахбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ ИХХБ алохида ИПХ отряди 3-сафарбарлик гурухи йўл-патруль гурухи инспектори, кичик сержант

> Дилиод ИШАНКУЛОВини

вафот этганлиги муноса- бевақт вафот этганлиги фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва якинларига чукур хамдардлик билдирадилар.

Жиззах вилояти ИИБ рахбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник

Янгибой ТЕМИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва якинларига чукур хамдардлик билдирадилар.

МАРХУМЛАРНИНГ ЯКИНЛАРИГА АЛЛОХ САБР БЕРСИН



# TIMA 3MPAK (Kampa)

Мехри ая пешайвонда куз офтобида тобланиб тасбех ўгириб ўтирганда кўзи илиниб, туш кўрди. Қайнонаси рахматлик хомуш бўлиб унга бир қаради-ю, нари кетди. Ая ўрнидан туриб тушини нимага йўйишини билмай хонасига кирди ва қутисини очди.

Кутидаги нарсаларни бирма-бир кўздан кечираркан, ҳаммаси тайёр, ҳизларимга кўрсатиб айтиб қўйганман, дея кўнгли таскин топди. Начора бандалик, Яраттан ҳачон хоҳласа омонатини топширади. Кутини ёпди-ю, хаёлига келган фикрдан ҳушёр тортиб яна қутини очди ва дастрўмолчага ўралган бир нарсани олиб, хонтахта ёнига ўтирди.

Бу тилла зирак эди. Уни рахматлик кайнонаси янги келинлигида кулогига такиб куйганди. Қайнонасига эса онасининг бувиси совға қилган экан. Кулма-кул утиб келаёттан, тоза олтиндан ясалган, ёкут кузли бу зиракни куз корачигидай асраб келади.

Мана энди ая бу омонатни келинлари ёки қизларидан бирига топшириши керак. Ана шу хаёллар билан ўтирган эди эшикдан кичик невараси Толибжон қулида чақалоқ кутариб кириб келди:

 Буви, бувижон, мана эварангизни олиб келдим, — деди пешайвонга якинлашиб.

Қаричилик қурсин, бугун невара келини туғруқхонадан чиқиши керак эди, хаёлидан кўтарилибди. Урнидан туриб эварасини кўлига олди. Бу кунларни кўрсатганга шукур дея хурсандлигидан кўзи намланди. Неварасини, келинини багрига босиб, қизалоқ билан қутлади.

— Бувижон, узр, мен ишга боришим керак.Сизлар хурсандчилик қилаверинглар, мен бугун иложи борича вақтлироқ қайтишга ҳаракат қиламан.

Ишинг ҳам бор бўлсин, болам,
 деди ая оналарга хос меҳр билан.
 Фаҳат айтиб ҳўяй, сен осойиштали-гини ҳимоялайдиганлар сони биттага кўпайди...

Бувисининг ҳазиломуз гапига жавобан Толибжон кулиб қўйди-да, кийимларини алмаштириб, ишга отланди.

Орадан икки кунлар ўтиб қудалар эварани бешикка солишта тайёргарлик кўришди. Ая билан невара келин бир четда ўтириб уларнинг расм-русумини кузатиб туришди. Бешик тайёр бўлгач, Мехри ая эварасини белаб, алла айтди ва бешикни невара келинига топширди. Келинчак ийманибгина бешик ёнига ўтирганда ая чўнтагидан тилла зиракни олиб, чақалоқнинг ёстиқчаси остига қўйди. Кейин бу совғанинг тарихини айтиб берди.

Уша куни ая яна қайнонасини туш курди. Қайнонанинг чехраси нурли эди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Газетамиз сахифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Мархамат!

**У** урожаат учун телефонлар:

139-73-88 139-75-37



Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@inbox.uz

## XADИCИ ШАРИФФАН

Хамма ишларингизда тўгри бўлинг, одамларга муомалада хулкингиз чиройли бўлсин!

Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар.

Бу дунёда одамларга қаттиқ азоб берадиган кишиларни Тангри қиёмат куни қаттиқ азоблайди.

Аввало онангта, яна онангта ва яна онангта, сўнг отангта яхшилик қил.

Барча бало тилдандир.

Имоннинг афзали сабр ва кенг қалбли бўлишдир.


Бир-бирларингизга эхсон қилинглар, чунки эхсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.

Гунохидан тавба қилувчи киши гунохсиз одам билан баробардир.

Неъматга шукр қилиш унинг заволидан омон сақлайди.

Ҳаё доимо яхшилик келтиради.

GTBPBO-TAGBUP



### Қадрли муштарий!

Эвтиборингизга хавола этилаётган ушбу тасвир сизни гўзалликнинг сирли оламига олиб киришига шубхамиз йўк. Фақат бунинг учун бир оз иштиёқ ва интилиш бўлса бас.

Тасвирда ажойиб сурат яширинган. Уни кўриш учун тасвирни кўзингиздан 2-2,5 см узоқликда ушланг ва диққатингизни бир нуқтага жамланг. Бир неча сониядан сўнг тасвир чаплана бошлайди. Нуқтадан кўзингизни узмаган холда тасвирни узоқлаштиринг. Ана шунда кичик «мўъжиза» юз бериб, кўз олдингизда тасвирнинг ички кўриниши намоён бўлади ва сиз ажойиб шаклни гўзал бир манзарада кўрасиз.



### Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли на ранг-баранг чикинмда сизнинг фикрларингизни билинг ниятидамиз. Таклифларингиз булса, мархамат, бизга кунгирок килинг!



Хафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Телефон: (371) 139-73-88 Соат 9.00дан 21.00гача

### O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir Aziz ERNAZAROV Bosh muharrir oʻrinbosari Ulugʻbek MAMADALIYEV Masʻul kotib Erkin SATTOROV Navbatchi: Qobiljon Shokirov Sahifalovchilar: Zokir Boltayev Nikita Slavgorodskiy Matn koʻchiruvchi: Gulnora Sodiqova

Koʻchirib bosishda «Postda»dan olinganligini koʻrsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qoʻlyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi. Kelgusi sonda

da 2003 yil 24 noyabrda 00



MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy koʻchasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yoʻli» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulugʻbek boʻlimi.

«Oʻzbekiston» nashriyotmatbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy koʻchasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2995. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55252 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari. Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. N- Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.